

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВА ФАРИДА МАРАТОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Юсупова Фарида Маратовна

Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш..... 3

Юсупова Фарида Маратовна

Повышение эффективности применения технологии капельного орошения
в сельском хозяйстве.....25

Yusupova Farida Maratovna

Increasing the efficiency using drip irrigation technologies in agriculture.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВА ФАРИДА МАРАТОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiame.uz) ва «Ziynet» ахборот-илмий порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Фарманов Тулқин Хайитмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Назарова Фотима Хакимовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Саидова Мадина Хамидовна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «4» сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39- уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «19» 09 кун тарқатилди.
(2019 йил 19.09 даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



У.П. Умурзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф. Султанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

Н.С. Хушматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожланиши, энг аввало сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, ер юзида “мовий олтин” деб номланган сувдан фойдаланиш соҳасидаги кескин вазиятларнинг юзага келиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, тизимда замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Чунки, “2040 йилга бориб, ер аҳолисининг тўққиз миллиардга етиши, тоза сув захираларини эса инсоният эҳтиёжларининг фақат 70 фоизини қамраб олиши”¹ масалани янада мураккаблашишига олиб келади.

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгариши, сурункали такрорланаётган қурғоқчилик ҳолатлари минтақавий ва глобал миқёсда гидрологик мувозанатни сақлаш заруриятини юзага келтирмоқда. Зеро, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, “сайёрамиздаги иқлим ўзгариши сув танқислигини 20 фоизга ошиши ва дунёнинг 45 дан ортиқ давлатида истиқомат қилаётган 2-5-миллиард аҳолининг ҳаётини ёмонлашишига олиб келиши”² мумкин. Шу жиҳатдан суғорма деҳқончилик шароитида сув ресурсларининг барқарор таъминотини яратиш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ҳам долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги тизимини тубдан модернизация қилиш ҳамда соҳада инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Лекин, “томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилаётган фермер хўжаликлари ҳамда ушбу технологияларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги, илғор хорижий тажриба ва ноу-хауларни амалиётга жорий қилиш бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги”³ соҳани барқарор ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига интенсив усуллар, аввало, замонавий сув ва ресурс тежовчи агротехнологияларни кенг жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”⁴ устувор вазифа қилиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан янада самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўналишида махсус илмий-тадқиқот ишларини олиб борилиши муҳим ва долзарб ҳисобланади.

¹ Добров Д. Борьба за водные ресурсы в мире обостряется. 03.05.2018. URL: <http://inosmi.ru/social/20180503/242127536.html>

² www.unesco.org/water/wwap

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сонли “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. URL: <http://lex.uz>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. URL: <http://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи хорижий олимлари, жумладан Венот Ж. (Venot J.), Купер М. (Kuper M.), Звартевен М. (Zwarteveen M.), Равиндер П.С. (Ravinder P.S.), Малик (Malik), Раторе М.С. (Rathore M.S.), Аарон Т. (Aaron T.), Вольф (Wolf), Шира Йоффе (Shira Yoffe), Мару Джиндао (Maru Gindao), Лиуянг Яо (Liuyang Yao), Минжуан Зхао (Minjuan Zhao), Тао Ху (Tao Xu), Стэнхилл Г. (Stanhill G.)⁵ каби олимлар узок вақтдан буён қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш йўллари, инновацион сув тежовчи технологияларни қўллашнинг долзарблиги, сувни табиий ресурс сифатида иқтисод қилишнинг микро ва макро даражадаги аҳамияти, иқтисодий, сиёсий, экологик ва ижтимоий жиҳатдан афзаллиги масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимларидан В.И.Данилов-Данильян, А.А.Фридман, Е.Е.Айдаркина, Р.Г.Мамедовлар⁶ сув ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Уларнинг илмий асарларида мамлакат ва минтақалар иқтисодий-ижтимоий барқарор ривожлантиришда сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти чуқур таҳлил

⁵ Venot J., Kuper M., Zwarteveen M. Drip Irrigation for Agriculture. Untold Stories of Efficiency, Innovation and Development, UK & New York, USA, 2017, 358 pp.; Ravinder P.S. Malik, Rathore M.S. Accelerating Adoption of Drip Irrigation in Madhya Pradesh, India. 2012.; Aaron T. Wolf, Shira Yoffe, Maru Gindao “Conflict and cooperation over international fresh water resources: indicators of Basin at Risk”, Journal of the American Water Resources Association 39, #5, October 2003: 1109-26; Liuyang Yao, Minjuan Zhao and Tao Xu China’s Water-Saving Irrigation Management System: Policy, Implementation, and Challenge. Sustainability 2017, 9, 2339; DOI:10.3390/su9122339; Stanhill G. Irrigation in Israel: past achievements, present challenges and future possibilities. In: Shalhevet J. et. Aii. (Eds.). Water Use Efficiency in Agriculture. Rehovot: Priel Publisher; 1992. P. 63-77.

⁶ Данилов-Данильян В.И., Хранович И.Л. Управление водными ресурсами. Согласование стратегий водопользования. – М.: Научный мир, 2010. – 232 с.; Фридман А.А. Модели экономического управления водными ресурсами. – М.: ИД НИУ Высшая школа экономики, 2012. – 284 с.; Айдаркина Е.Е. Совершенствование экономического механизма стимулирования рационального водопользования в регионе: принципы, методы, инструменты (на материалах водохозяйственного комплекса Ростовской области): Дис. ... канд. экон. наук. Ростов на Дону, ФЮУ, 2014. – 219 с.; Мамедов Р.Г. Водный фактор. Политика устойчивого развития. – Баку: Ченлибел, 2000. – С. 275

қилиниб, махсус тадбирлар устувор йўналиш сифатида илмий-амалий жиҳатдан асосланган.

Республикаимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасининг йирик олимлари Г.А.Безбородов, В.А.Духовний, Р.К.Икрамов, Н.Н.Хамраев⁷, шунингдек С.Ч.Джалалов (2000 й.), В.В.Михайлов (2004 й.), В.Ч-С. Ким (1993 й.), Р.Х.Хусанов (1994 й.), Ў.П.Умурзаков (2005 й.), У.Х.Нигматжанов (2001 й.), С.Р.Умаров (2017 й.), Р.А.Абдуллахонов (2003 й.), М.М.Маткаримов (2006 й.), П.З. Ходжалепесов (2004 й.), З.С. Шохўжаева (2010 й.), У.Р.Сангирова (2012 й.)⁸ ва бошқа аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида сув ресурсларини экологик-иқтисодий баҳолаш, табиий ресурс сифатида ундан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, сув ресурслари тақчиллиги мунтазам кузатилаётган шароитларда суғориладиган ерларда деҳқончиликни ривожлантириш, худудлар ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича инновацион илғор сув тежовчи технологияларнинг самарадорлигини аниқлаш ҳамда сув тежашни иқтисодий рағбатлантириш каби масалалар ўрганилган ва бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалигида асосий сув истеъмолчилари ҳисобланадиган фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа хўжалик субъектларида замонавий томчилатиб суғориш технологияларини тизимли жорий қилиш ҳамда ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, мазкур технологияларни изчил қўллаётган хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, сув хўжалигида муҳим институционал тузилма – сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) фаолиятини такомиллаштириш ва улар томонидан ўз аъзоларида томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинишини қўллаб-қувватлаш механизмлари етарли даражада ўрганилмаган.

⁷ Безбородов Г.А. ва б. Томчилатиб суғориш: қулай, арзон, самарали // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – 2008. №3. – С. 7; Духовний В.А. Капельное орошение – перспективы и препятствия: Сб. науч. тр. по капельному орошению САНИИРИ, – Ташкент, 1995. – С. 3-12; Икрамов Р.К. и др. Дождевание – эффективный способ орошения на землях склонных к засолению // Проблемы и пути формирования экономических взаимоотношений водного и сельского хозяйства в условиях развития рыночных реформ: сб. докладов. – Ташкент, 2004. – С. 154-156; Хамраев Н.Р. Водосбережение и водообеспечение устойчивого развития засушливых территорий. – Ташкент: Chinog ENK, 2000. – 88 с.

⁸ Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Ташкент: Chinog ENK, 2000. – 200 с.; Михайлов В.В. Анализ экономической эффективности модернизации ирригации и водосбережения. – Т.: САНИИРИ, 2004. – 202 с.; Ким В.Ч-С. Эффективность использования орошаемых земель (теория, методология, методика, производственный эксперимент, внедрение): Дис. ... док. экон. наук. – Ташкент: УАСХН НИИЭСХ. 1993. – 326 с.; Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблемы. – Т.: Ўзбекистон, 1994. 72 с.; Умурзаков Ў.П. Сувни баҳолаш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2005. №10. – С. 25-26; Нигматжанов У.Х. Нужен ли Узбекистану Водный кодекс?// Экономическое обозрение. 2001. – №5-6; Умаров С. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш.: Автореф. дис. ... док. экон. наук. – Ташкент: ТИИИМСХ, 2017. – 73 с.; Абдуллаханов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш: Дис. ... канд. экон. наук. – Ташкент: УзНИИРР, 2003. – 156 с.; Маткаримов М. Сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш: Дис. ... канд. экон. наук. – Самарканд: 2006. – 147 с.; Ходжалепесов П. Эффективность использования земельно-водных ресурсов и перспективы развития сельскохозяйственного производства в республике Каракалпакистан: Дис. ... канд. экон. наук. – Ташкент: УзНИИРР, 2004. – 134 с.; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Ташкент: КарШИЭИ, 2010. – 20 с.; Сангирова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Ташкент: ТИМИ, 2012. – 25 с.

Қишлоқ хўжалигида замонавий инновацион томчилатиб суғориш технологияларини кенг кўламда жорий қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, тармоқлар ҳамда худудлар доирасида юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал қилишнинг илмий-амалий асосланган ечимларини ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш йўналишида зарур тадбир ҳисобланади ва мазкур ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини билдиради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-20170923228-рақамли “Қишлоқ хўжалиги тармоқларига мос сув тежовчи инновацион технологияларнинг мақбул самарали моделларини ишлаб чиқиш ва уларни хўжаликлар фаолиятида қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини асослаш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг объектив зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш ҳамда илмий-назарий йўналишини бойитиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасини сув билан таъминланиши ва сувдан фойдаланиш даражасининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

фермер хўжаликларида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг вазифалари ва ваколат функцияларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш бўйича илғор тажрибаларни тадқиқ қилиш ва уларни республикамиз шароитида тизимли қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан кооперация асосида фойдаланишни ташкил қилиш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт соҳаларида инновацион сув тежовчи технологиялардан ишлаб чиқаришда барқарор фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича кластер ёндашуви асосида ихтисослашган ўқитиш марказларини ташкил этиш тўғрисида илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланишни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамизнинг турли маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари танлаб олинган. Моно-

график кузатувлар Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ўтказилган.

Тадқиқотнинг предметини фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда иқтисодий таҳлил, қиёслаш, статистик гуруҳлаш, абстракт фикрлаш, монографик кузатиш, график, SWOT-таҳлил, анкета сўрови каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув истеъмолчилари уюшмаларининг давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимини тузиш орқали унинг ташкилий тузилмаси такомиллаштирилган;

фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологияларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва фойдаланишга ихтисослашган кооперативларни тузиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг намунавий тузилмаси асосланган;

томчилатиб суғориш технологияларини лизинг асосида фермер, деҳқон ва бошқа хўжалик субъектларига берилиши асосланган;

қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилишни ривожлантириш мақсадида махсус республика жамғармасини ташкил этилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг объектив зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аҳамияти асосланган ҳамда илмий-назарий ёндашувлари бойитилган;

қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган сув тежовчи технологияларнинг турлари тизимга солиниб, самарадорлик даражалари асосланган;

хорижий мамлакатлар қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғоришни жорий этишни ривожлантиришнинг илғор тажрибалари тадқиқ қилинган ва республика мида шароитида ушбу усулларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

пахтачилик тармоғида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги тадқиқот объектлари кесимида баҳоланган;

фермер хўжаликларида томчилатиб суғориш технологиясини ўзаро кооперация асосида ўрнатилиши ва эксплуатация қилинишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат томонидан томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланишни иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлиги тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар бўйича тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг маълумотномалари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакат қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий асослар бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги тармоқларида томчилаб суғориш технологиясини жорий этишни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, маҳаллий ҳокимият ва бошқа бошқарув органлари томонидан мақсадли давлат дастурлари, концепциялар ва “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқишда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқот натижалари ва илмий-амалий ишланмаларидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли мутахассисликлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Сув истеъмолчилар уюшмаси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, молиялаштириш механизми ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, давлат-хусусий шерикчилик асосидаги фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг тузиш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги 4/18-2923-сон, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 декабрдаги 03/022-2208-сон маълумотномалари). Юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техника ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакат иқтисодиёти тармоқларида сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш имкониятини яратган;

томчилатиб суғориш технологиясини хўжаликларда лойиҳалаш, ўрнатиш ва фойдаланишга ихтисослашган кооперативларни тузиш тўғрисида таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1255-сон ва 2019 йил 1 июлдаги 02/027-918-сон маълумотномалари). Томчилатиб суғориш технологияларидан кооперация асосида фойдаланиш фермерларнинг технологияни лойиҳалаш, харид қилиш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш), сув ҳавзасини қурилиши учун ер тайёрлаш ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ харажатларни ўртача 20-25 фоизгача камайишини таъминлаган;

томчилаб суғориш технологияларни лизинг асосида фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштирувчиларига бериш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2018 йил 5 июлдаги 3/18-428-сон, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1255-сон маълумотномалари). Томчила-тиб суғориш технологияларини лизинг асосида харид қилиниши қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларида тижорат кредитига нисбатан 12-15 фоиз молиявий маблағни тежаш ва гаров миқдорини 55-60 фоизга камайтириш имкониятини яратган;

қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни ривожлантириш бўйича махсус республика жамғармасини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 5 июлдаги 3/18-428-сон, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 20 сентябрдаги 04/033-1255-сон маълумотномалари). Ушбу тузилманинг ташкил этилиши сув тежовчи технологияларни, шу жумладан, томчила-тиб суғориш технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, сув тежамкор технологияларни маҳаллий шароитларда ишлаб чиқаришга халқаро молиявий ташкилотларнинг грант ва кредитларини жалб қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, замонавий сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича кенг кўламли тарғибот тадбирларини амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий назарий ва амалий натижалари бўйича етти халқаро ва тўртта республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда жами 9 та мақола, шундан 7 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 9 та параграфдан иборат 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг умумий ҳажми 162 бет бўлиб, 10 та жадвал, 35 та расм ва 8 та иловани ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий

ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг концептуал асослари**” деб номланган **биринчи бобида** сув тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг объектив зарурияти, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган ва назарий қарашлари бойитилган. Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган сув тежовчи технологияларнинг асосий турлари аниқланиб, бир тизимга солинган ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни қўллашни иқтисодий рағбатлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида уларни республикамизда жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Сув ресурсларининг тақчиллиги сурункали кузатилаётган шароитда сувдан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларидан бири – сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобланади. Ушбу тадбирни амалга ошириш дарё оқимини тартибга солиш, сув йўллари ва суғориш тизимларини таъмирлаш ҳамда шу каби бошқа чора-тадбирлар билан қиёсланганда анча кам сармоя ва вақт талаб этади.

Сув тежовчи технологиялар деб суғорма сувнинг энг кам зарур миқдорини сарфлаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор юқори ҳосил олиш имконини таъминлайдиган мелиоратив, агротехнологик ва ташкилий-хўжалик тадбирларининг мажмуаси тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг объектив зарурияти, бизнингча, қуйидаги омиллар билан асосланади: глобал иқлимнинг ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши, саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш соҳасини сувга бўлган талабини ортиши, гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошиши, қишлоқ хўжалигида сув сарфининг кўпайиши, нефть-газ секторини жадал ривожланиши, чўл-яйлов ҳудудларини кенгайиши ва экологик онгнинг ошиши (1-расм).

Тадқиқот натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланадиган сув тежовчи технологияларнинг асосий турларига томчилатиб суғориш, ёмғирлатиб суғориш, ерларни лазер ёрдамида текислаш, кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш ва эгатлар орасига полиэтилен плёнка тўшаб суғориш кабиларни киритиш мумкин. Ушбу сув тежовчи технологиялардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш сув ресурслари сарфини 20-60 фоизгача тежаш имкониятини яратади⁹.

Табиий иқлим ўзгараётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда замонавий технологиялардан, шунингдек, қурғоқчил ва суғорилмайдиган ҳудудларда томчилатиб суғориш технологияларидан барқарор фойдаланаётган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва улардан тизимли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

⁹ ИСМИТИ, ПСУЕАИТИ, ТИҚХММИ институтлари томонидан бажарилган экспериментал тадқиқотлар маълумотлари асосида.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни қўллашнинг объектив зарурияти¹⁰

Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги илғор тадбирларини республикамиз қишлоқ хўжалигида қўлланиши мақсадга мувофиқ:

– сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича замонавий, халқаро стандартларга мос меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Сув кодекси ва “Сув истеъмолчилари уюшмалари тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш ва уларда хўжалик юритувчи субъектларга сувни ўз вақтида етказиб бериш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, сув ресурсларини доимий равишда муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан тежамли фойдаланишни рағбатлантириш ва аксинча, самарасиз фойдаланилганда таъсирчан чора-тадбирларни қўллаш, яъни ҳар бир ижобий кўрсаткич учун мукофотлаш ва салбий ҳолатларда қатъий чоралар кўриш каби ҳуқуқий нормаларни

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

жорий қилиш (Испания, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг тажрибаси);

– ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни интенсиф жорий этиш тадбирларини мувофиқлаштириш, мақсадли ва манзилли молиялаштириш, сув тежовчи технологияларни маҳаллий шароитларда тизимли ишлаб чиқариш ва ушбу технологияларни қишлоқ хўжалиги тармоқларида жорий қилинишини иқтисодий рағбатлантириш ҳамда шу каби бошқа тадбирларни барқарор амалга оширилишига эришиш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилишни ривожлантириш бўйича махсус Жамғарма”ни ташкил этиш (АҚШ, Украина давлатларининг тажрибаси);

– сув тежовчи технологияларни қишлоқ хўжалиги субъектларига лизинг асосида берилишини жорий қилиш, солиқ ва кредит имтиёзларини тақдим этиш, субсидиялар орқали харажатларнинг бир қисмини қоплаш (АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Қозоғистон давлатларининг тажрибаси);

– сув тежовчи технологиялардан фойдаланаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини кооперация муносабатлари асосида ҳамкорлигини шакллантириш, кооператив ва уюшмалар томонидан сув истеъмолчиларининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш (Туркия давлатининг тажрибаси);

– сув тежовчи технологияларни иқтисодиёт соҳаларида жорий қилинишини омалаштириш, фермерлар, деҳқон ва томорқа ер эгалари аъзолари, сув истеъмолчилари уюшмалари мутахассисларини томчилатиб суғориш технологияси ва бошқа инновацион сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича кўникмаларини ошириш мақсадида ҳудудий амалий ўқув курсларини ташкил қилиш, шунингдек хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, ўқув курсларининг харажатларини бир қисмини бюджет маблағлари ва сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳомийлик ёрдами ҳисобидан қоплаш (Исроил, Хитой, Қозоғистон давлатларининг тажрибаси).

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш тизимининг ҳозирги ҳолати”** номли **иккинчи бобида** сув хўжалигида ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти ва сувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатига қиёсий баҳо берилган, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларда сув тежовчи технологияларни, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор берилмоқда. Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йилда томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган майдон 2013 йилга нисбатан Андижон вилоятида 1540 гектарга, Наманган вилоятида 1592 гектарга, Самарқанд вилоятида 1407 гектарга, Сурхондарё вилоятида 1838 гектарга ва Тошкент вилоятида 1946 гектарга кўпайган (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонлар динамикаси, га (2013-2018 йй.)¹¹

№	Худудлар	Жами	%	Шу жумладан йиллар бўйича						2018 йил 2013 йилга нисбатан,+/-
				2013	2014	2015	2016	2017	2018	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	319	0,7	2	50	40	40	57	130	128
	<i>вилоятлар:</i>									
2	Андижон	3987	9,3	210	395	390	431	811	1750	1540
3	Бухоро	1075	2,5	0	72	172	180	181	470	470
4	Жиззах	2228	5,2	209	111	388,5	340,2	449	730	521
5	Қашқадарё	5401	12,5	318	654	858	942,5	966	1663	1345
6	Навоий	2044	4,8	170	475	250	272	297	580	410
7	Наманган	5273	12,3	197	466	666	795	1360,4	1789	1592
8	Самарқанд	8112	18,8	613	1245	1359	921	1954	2020	1407
9	Сурхондарё	4528	10,5	112	214	609	560	1083	1950	1838
10	Сирдарё	708	1,6	0	48	201,3	146	166	147	147
11	Тошкент	4847	11,3	223	627	381,1	411,5	1035	2169	1946
12	Фарғона	4164	9,7	308	535	549,9	550	601	1620	1312
13	Хоразм	332	0,8	0	7	41,3	78,6	70	135	135
	Жами	43018	100	2362	4898	5906	5668	9030	15153	12791

Умуман, сўнгги 6 йил ичида республикаимиз бўйича 43018 гектарга томчилатиб суғориш технологияси, 215432 гектарга кўчма эгилувчан қувурлар ва 61598 гектар майдонда полиэтилен плёнка тўшаб суғориш жорий этилди. Томчилатиб суғориш технологияси боғларда – 71,5 фоиз, сабзавот-полиэтилен экинларида – 23,7 фоиз, узумзорларда – 3,6 фоиз ва пахта хом ашёси етиштирилаётган 1,2 фоиз майдонларда қўлланилмоқда. Сув хўжалиги соҳаси бўйича етакчи олимларнинг фикрича, мамлакатимизда бугунги кунда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш имкони мавжуд бўлган майдон 1071,2 минг гектарни ташкил қилади¹².

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ва ўтказилган сўровнома натижалари худудларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича белгиланган тадбирлар паст суръатларда амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда.

Пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида монографик тадқиқотлар ўтказилган Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Иштихон нурли давр” фермер хўжалигида 2018 йилда жами 134 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган (2-жадвал). Ушбу технологиянинг умумий қиймати 2626718 минг сўмни ёки бир гектар пахта майдони ҳисобига ўртача 19602 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, бир гектар майдондан 11689 минг сўм фойда олинган, яъни, 1 м³ сарфланган сув ҳисобига 1,6 кг маҳсулот олишга эришилган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

¹² Хорст М.Г., Икрамов Р.К. Основные принципы районирования орошаемых земель Узбекистана по применимости капельного орошения. Сборник научных трудов по капельному орошению. НПО САНИИРИ, Ташкент, 1995. – С. 22.

2-жадвал

Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Иштихон нурли давр” фермер хўжалигида пахта етиштиришда қўлланилган томчилатиб суғориш технологиясининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, 134 га¹³ (2018 й.)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Майдон, га	
			134	1
1	Ялпи ҳосил	тонна	603	4,5
2	Томчилатиб суғориш технологиясининг қиймати	минг сўм	2 626 718	19 602
3	Тушум	минг сўм	2 090 400	15600
4	Харажат	минг сўм	1 566 369	11689
5	Фойда	минг сўм	524 031	3911
6	Томчилатиб суғориш технология қийматини қоплашга йўналтириладиган йиллик маблағ	минг сўм	350 000	2612
7	Меъерий қоплаш муддати	йил	7,5	
8	Қоплаш муддати	йил	5	
9	Сарфланган 1 м ³ сув ҳисобига олинган фойда	сўм/м ³	1368,2	
10	Сарфланган 1м ³ сув ҳисобига етиштирилган пахта хом ашёси миқдори	кг/ м ³	1,6	
11	1 центнер пахта хом ашёсини етиштиришга сарфланган сув миқдори	м ³ /ц	63,5	

Таҳлиллар кўрсатишича, фермер хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш сув ресурслари сарфини 3 мартага, ёнилғи мойлаш материалларини 46 фоизга, уруғни 66,7 фоизга, минерал ўғитлар сарфини ва механизация ишлари харажатларини 36 фоизга тежаш имконини берган. Фермер хўжалигида ҳисобот йилида пахта ҳосилдорлиги ўртача 45 ц/гани ташкил қилган ёки республика бўйича пахта ҳосилдорлигининг ўртача кўрсаткичидан 1,6 барабар юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

3-жадвал

Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Иштихон нурли давр” фермер хўжалигида пахта етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари, 134 га¹⁴ (2018 й.)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Суғориш усуллари		Томчилатиб суғориш анъанавий усулга нисбатан ўзгариши, %
			анъанавий суғориш	томчилатиб суғориш	
1	Ҳосилдорлик	ц/га	28	45	+60,7
2	Уруғ сарфи	кг/га	60	20	-66,7
3	Минерал ўғитлар сарфи	кг/га	900	575	-36
4	Ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи	кг/га	218	118	-46
5	Механизация ишлари харажатлари	сум/га	1 582 090	1 014 925	-36
6	Сув сарфи	м ³ /га	8580	2860	-67

¹³ «Иштихон нурли давр» фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

¹⁴ «Иштихон нурли давр» фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш, нафақат моддий ресурсларни тежаш, шу билан бирга юқори ҳосилдорликка эришиш имкониятини яратади. Масалан, монографик тадқиқот олиб борилган “Иштихон нурли давр” фермер хўжалигида ҳақиқатда эришилган пахта ҳосилдорлиги билан томчилатиб суғориш технологияси қийматини 5 йилда, амалдаги меъёрий ставкада эса 7,5 йилда (агарда пахта хом ашёсини сотишдан олинадиган фойданинг 2/3 қисми томчилатиб суғориш технологияси қийматини қоплашга йўналтирилса) қоплаш имконияти мавжудлиги ҳисобкитоб қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларида молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, мавсум давомида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишни таъминлашга хизмат кўрсатадиган малакали мутахассисларни етишмаслиги, технологияларни профилактик текширувдан ўтказиш ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш, сув тежовчи технологияларни қўллашда фермерларда кўникмаларнинг етишмаслиги уларни катта майдонларда қўллаш имкониятини чекламоқда. Шу сабабли, бизнингча, энг аввало, қишлоқ хўжалигида замонавий сув тежовчи технологияларни кенг қўламда жорий қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда сув хўжалиги инфратузилмасининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини ўз вақтида ва зарур миқдорда сув билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги экинларидан кафолатланган юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Аммо, Сув истеъмолчилари уюшмаларининг моддий-техника базаси ва молиявий ҳолати нисбатан ёмонлиги сабабли суғориш тармоқларида таъмирлаш ишлари тўлиқ ва сифатли олиб борилмайди. Бу эса ўз навбатида, СИУ аъзоларини ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни сув билан доимий, кафолатланган тарзда таъминлаш имкониятини бермайди.

Ривожланган мамлакатларда сув истеъмолчилари уюшмалари ўз аъзоларида сув тежовчи технологияларни жорий этишга жавобгар бўлган асосий тузилма ҳисобланади. Чунки, сув истеъмолчилари уюшмаларининг асосий вазифалари таркибида – ўз аъзоларининг ер участкаларида ресурстежовчи технологияларни мажбурий ва қатъий жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, бизнингча, сув истеъмолчилари уюшмаларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида республикамизда СИУ фаолияти бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, молиялаштириш механизми ва ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, туман сув хўжалиги бўлимида алоҳида СИУ фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур ҳаракат натижасида СИУ фаолиятини бошқариш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси юзага келади, уюшманинг ваколати, функциялари, вазифалари ва мажбуриятлари ҳуқуқий жиҳатдан кучайтирилади, моддий-техника салоҳияти ва мутахассис кадрлар билан таъминлаш даражаси яхшиланади. Пировард натижада иқтисодиётнинг барча соҳаларида сув тежовчи технология-

ларни, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш орқали сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга эришиш имконияти яратилади.

“Қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишни ривожлантириш истиқболлари” деб номланган **учинчи бобда** қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланишда кооперация муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш, кластер ёндашуви асосида инновацион сув тежовчи технологиялар бўйича ўқув марказларини ташкил қилиш, томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланишни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, кооперация муносабатларини ўрнатиш қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида бозор иқтисодиёти тамойиллари устуворлигини таъминлашнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровномаларда респондентлар қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланишнинг афзаллигини билдиришди. Аммо, бошланғич даврда мазкур технологияни ўрнатиш ва эксплуатация қилиш харажатлари бирмунча юқорилигини ҳисобга олиб, бир худуддаги фермерлар учун томчилатиб суғориш технологиясини ҳамкорликда лойиҳалаштириш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича ихтисослашган кооперативлар ташкил қилиниши зарур, деб ҳисоблаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда фермерлар иштирокида янгидан ташкил қилинадиган кооператив ташкилотнинг намунавий ташкилий тузилмаси ва молиялаштириш механизми ишлаб чиқилди.


Ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш технологияларидан кооперация асосида фойдаланиш фермерларнинг технологияни лойиҳалаш, сув ҳавзасини қурилиши учун ер тайёрлаш, технологияни харид қилиш, ўрнатиш, фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, ва бошқа тадбирлар билан боғлиқ харажатларини ўртача 20-25 фоизгача камайтиради.

Шу билан бирга, ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мавсум давомида томчилатиб суғориш технологияси ва бошқа инновацион сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатадиган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам профилактика ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш ва улардан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

